O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 16 декабрь, № 245 (4144) Шанба



СОҒЛОМ ФАРЗАНД – СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Энг катта бойлигимиз саломатлик экан, уни ўз вақтида турли хасталиклардан ҳимоя қилиш ҳам муҳимдир. Шу маънода жорий йилнинг 15-25 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида қизамиқ ва қизилча касалликларига қарши эмлаш ишлари олиб борилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Болалар жамғармаси (UNICEF) ва Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамкорлигида ўтказилаётган мазкур тадбир давомида 10 ёшдан 29 ёшгача бўлган 620 минг нафардан зиёд аҳолини эмлаш режалаштирилган.

Айтайлик, Ер юзида 2000 йилда 30 миллионга яқин киши қизамиқ касали билан оғриган ва уларнинг 770 минг нафари ҳаётдан кўз юмган. Булардан сабоқ чиқарган ҳолда пойтахтимизда иш бошлаган эмлаш пунктларида касалликка қарши вакциналар бепул тарқатилмоқда. Доимий ва кўчма вакцинация пунктлари шаҳарнинг тиббиёт муассасалари, мактаб ва коллежлари, олий ўқув юртлари ҳамда маҳалла ва бозорларида фаолият кўрсатмоқда.

М.ОХУНОВА.

СУРАТЛАРДА: Шайхонтоҳур туманидаги 14-оилавий поликлиникада эмлаш ишлари олиб борилмоқда.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 27 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2006 йил 30 ноябрда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **223-модданинг биринчи қисми санкциясидаги** "эллик бараваридан юз бараваригача" деган сўзлар "икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **224-модданинг:**

биринчи қисми санкциясидаги "эллик бараваридан юз бараваригача" деган сўзлар "икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисми санкциясидаги "етмиш беш бараваридан юз бараваригача" деган сўзлар "уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисми санкциясидаги "эллик бараваридан юз бараваригача" деган сўзлар "икки юз бараваридан тўрт юз бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда) **225-моддасига** қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

биринчи қисмнинг санкциясидаги "ўн бараваригача" деган сўзлар "эллик бараваридан юз бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмнинг санкциясидаги "беш бараваридан ўн беш бараваригача" деган сўзлар "йигирма бараваридан юз эллик бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин;

учинчи қисмнинг санкциясидаги "икки бараваридан ўн бараваригача" деган сўзлар "ўн бараваридан юз бараваригача" деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2006 йил 15 декабрь
№ ЎРҚ — 70

Семинар

Кейинги йилларда жаҳон иқтисодиётида глобал ўзгаришлар юз бермоқда. Товар ишлаб чиқариш ва айирбошлаш ҳажмининг тинимсиз ўсиб бораётгани эса, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишни, хусусан, божхона назорати ва расмийлаштирувини, валюта назоратини ҳамда ташқи савдо статистикасини такомиллаштириш зарурлигини кўрсатмоқда.

Кодекс лойиҳаси муҳокамаси

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига қўшилганлиги, шунингдек, "Божхона иттифоқи ва Ягона иқтисодий ҳудуд тўғрисида"ги шартномаларнинг тасдиқланганлиги ҳам давлатимизнинг ташқи савдо ва божхонага доир қонун ҳужжатларини иқтисодий ҳамжамият Келишув ва битимлари асосида уйғунлаштиришни тақозо этмоқда.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 10 февралда бўлиб ўтган мажлисидаги маърузасида "... амалдаги Божхона кодексининг янги таҳририни ишлаб чиқиш зарурати бугун кун тартибида турибди. Мазкур кодекс барча божхона тамоиллари бажарилишининг очиқлигини таъминлаш, ички бозорни сифатсиз контрабанда маҳсулотлари кириб келишидан ҳимоялашга қаратилиши, бевосита таъсир кучига эга бўлган норматив ҳужжат бўлиши керак», деб таъкидлаган эди.

Ана шу вазифалардан келиб чиқиб, Божхона кодексининг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Давлат Божхона қўмитасининг ихтисослаштирилган "Тошкент-аэро" мажмуаси ташкил этган семинарда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий компанияси, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси давлат акциядорлик компанияси ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, олимлар, мутахассислар иштирок этдилар. Унда янги таҳрирдаги Божхона кодексини ишлаб чиқиш зарурияти, уни халқаро ҳуқуқ меъёрларига мослаштириш борасида олиб борилган ишлар хусусида тўхталиб ўтилди.

Саидолим ҲАЙДАРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатаси **Алоқа ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси**нинг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда "Алоқа тўғрисида"ги Қонуннинг «Ўзбектелеком» АКдаги иҳроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди.

Таъкидланганидек, мазкур қонун иҳросини таъминлаш борасида акциядорлик компания томонидан қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, алоқа сифатининг яхшиланиши Интернетга уланиш учун 64 Кб/с тезликдаги каналларни ташкил қилиш учун имкониятлар яратилган. Тошкент, Андижон, Фарғона йўналишларидаги шаҳарлараро аналог узатиш қурилма каналлари рақамлига ўтказилди. Рақамлаштириш даражаси 2000 йилда 32 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб эса ушбу кўрсаткич 69 фоизга етди.

Йиғилишда амалга оширилган ишлар билан бир қаторда соҳа ривожига тўсиқ бўлиб турган айрим муаммо ва камчиликлар хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, маҳаллий телефон тармоқларининг носозлиги устидан келиб тушаётган шикоятларнинг

(Давоми 2-бетда).

Спортнинг тинчлик элчиси, дунё халқларини эзгулик, сари бирлаштирувчи куч эканлигини яхши биламиз. Қарийб ўн беш кун давомида ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпи нигоҳини Қатар пойтахти Дохага қаратди, десак муболаға бўлмас. Сабаби, барчамизга аён. «Сариқ қитъа»да XV Осиё ўйинлари байрамона руҳда ўтди.

Қирқ тўққиз сонияда ғалаба

Биз ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпи, деган жумлани бежиз қўлламадик. Дунё аҳолисининг айнан шунча қисми Осиё қитъасида истиқомат қилади. Ўтган кунлар давомида қитъанинг 45 та мамлакатидан келган жами 13 500 нафар спортчи 40 дан ортиқ спорт турида ўз ватанлари шарафини ҳимоя қилдилар.

Мўъжазгина Қатар давлати (аҳолиси 700 минг нафардан ортиқ) қитъанинг нуфузли байрамига пухта ҳозирлик кўрди. Доха шаҳридаги «Халифа» стадионида ташкиллаштирилган тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари ҳам ўзига хослиги билан ажралиб турди.

(Давоми 2-бетда).

Якун: таҳлил ва таққос

Жиззах вилояти кенгликларида ястаниб ётган, 371 та катта-кичик кўлни бағрига жойлаган, ерларини шўр қоплаган Арнасой тумани билан Фарғона водийсининг гавҳари — Андижон вилоятининг сўлим, ерлари унумдор, серсув Шаҳрихонини бир-бирига тенглаштириб бўлмайди, албатта. Бирининг ерига таёқ суқсанг кўкариб, мевага киради. Иккинчисининг заминида минг машаққат билан ундирилган ниҳол табиатнинг ногаҳоний хуружларидан шикаст топади ёки хазон бўлади. Лекин қаерда ва қандай шароитда бўлмасин, инсон ўз меҳнати, омилкорлиги, меҳри билан ризқ-насибасини териб, яшаш учун курашади. Иморатлар тиклаб, боғ-роғлар яратади. Бир мисол. Ўз тақдирини чўл билан боғлаганлар саксовулзору юлғунзорлардан иборат бўлган Арнасойни жуда қисқа муддатда гуллаб-яшнаган ҳудудга айлантириб юборишди.

ШИРКАТ – КЕЧАГИ КУН, ФЕРМЕРЛИК – ҲАР ЖИҲАТДАН УСТУН

— Ердан олаётган даромадимиз, чорва турмушимизнинг яхшиланишига, қишлоқ ва овулларимизнинг обод бўлишига имкон яратди, — дея ғурурланади арнасойликлар. — Айниқса, ер фермерлар қўлига ўтгандан кейин рўзғорга барака кирди, белимиз бақувват бўлди. Илгари вилоятнинг залворли юкини тортолмай, иқтисодий кўрсаткичлари ниҳоятда заифлашиб қолган Арнасойда 1998 йилдан бошлаб фермерлик ҳаракати бошланди. Қишлоқ хўжалигида янгиланиш жараёни туфайли уч йил мобайнида ширкатлар тугатилиб, уларнинг ўрнида 617 та фермер хўжалиги вужудга келди. Хўжасизлик, ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит ва бошқа ресурсларни четга пуллаш сингари иллатлар барҳам топди. Мана, уч йилдирки, туманда ғалла ва пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режалар ортиғи билан бажарилаётир. Чорва етти хазинанинг бирига айланиб улгурди. Қўлини қаёққа узатса етадиган «Сангзор», «Лафасбой» сингари бақувват фермер хўжаликлари тобора кўпаймоқда.

«Сангзор»нинг раҳбари Рашида Ёдгорова номини нафақат туманда, балки бутун вилоятда кўпчилик яхши билади. Йил сайин юқори натижаларни қўлга киритаётган бу фермер ўзининг 18 кишилик жамоаси билан жорий йилда 34,2 гектар майдондан 48 центнердан пахта, 55 гектар ердан 52 центнердан ғалла йиғиштириб олди. Соф фойда — 40 миллион сўм ҳайратланарли рақам-а». Гап шундаки, минглаб гектар экин майдонига эга бўлган ширкат хўжалиги шунча миқдордаги фойдани ҳеч қачон кўрмаганлиги айни ҳақиқат.

Айниқса, фермер хўжалигида меҳнат аҳлига яратилган шароит, улар кўраётган манфаатдорлик ҳавас қилгудек даражада юқори. Масалан, кунига икки маҳал иссиқ овқат тайёрланади. Бепул. Ҳар бир ишловчи ойига 110-120 минг сўмдан накд пул олади. Бардонида ботмонлаб дони, қўрасида ўн беш-йигирма бошдан қўй-қўзиси мавжуд. Ишловчилар ўғил-қизларига атаб навбати билан иморатлар қурмоқда, енгил машиналар харид қилаётир. Ўтган йили «Тико», «Жигули» автомобиллари қаторига «Нексия» билан «Матиз» ҳам қўшилди. Ўзига тўқ «Сангзор»чилар ортганини турли савоб ишларга йўналтираётганиям бор гап. Чунончи, яқинда улар кам таъминланган оилалардан иккитасига бозорли сигирни совға қилдилар. Табиий газ, сувдан фойдаланиш сингари коммунал тўловлар ҳам фермерларга 26 минг 510 тонна ғалла ҳам етказиб берилди. Қўлга киритилган миллионлаб сўм соф фойда эвазига бир йилнинг ўзида лизинг йўли билан 43 та трактор, 25 та тиркама, 18 та культиватор, 15 та экиш агрегати харид қилинди.

Аҳоли турмуш шароити яхшиланиб, шинам уй-жойлар тикланаётгани, айниқса, қувонарли. Арнасой йўлларида замонавий «Матиз», «Нексия», «Дамас»ларнинг тобора кўпаяётгани ундан қувончли. Буларнинг ҳаммаси қишлоқ хўжалигидаги янгиланиш жараёнининг истиқбол уфқлари нақадар нурлилигининг амалдаги исботи, албатта.

Андижонда ҳам Рашида Ёдгоровага ўхшаш фермерлар сафи кенгаймоқда. Улуғнор, Асака, Пахтаобод, Бўз туманларидаги истиқболсиз ширкатлар ўрнида ташкил топган фермер хўжаликларининг аксарияти атиги бир хўжалиги маблағи ҳисобидан қопланаётир.

«Дўстлик» ордени соҳиби Рашида Ёдгорова бошлиқ фермер хўжалигининг ери яқинда яна 150 гектарга кенгайди. Айни кунларда жамоа қаровсиз ётган ана шу майдонга маҳаллий ўғит ташиб чиқараётир.

Арнасойлик фермерлар 14 минг тоннадан зиёд пахтани фақат биринчи навга сотдилар. Қайта ишловчи-йилдаёқ қаддини тиклаб олди. Режаларни орттириб бажарса-да, қўли нақд пул кўрмай келаётган деҳқоннинг елкасига офтоб тегди. Шаҳрихон туманидаги «Азизбек-97» фермер хўжалиги раҳбари Назиржон Буваев — шулардан бири. Дастлаб у ўн гектар ер олди. Дала шийпони иккинчи уйига айланди. Ётиб олиб, меҳнат қилишди. Ширкатникига қараганда икки баробар кўп пахта яратилди. Ширкатдагилар режани зўр-базўр саксон фоизга етказганларида, Назиржонлар даласида ғалаба шодиёналари бўлиб ўтди.

Ўтган йили «Дўстлик» ширкати тугатилди. Фермернинг экин майдони 70,5 гектарга ортди. Ишловчилар сони 44 нафарга етди. Фермер 56 тонна ғалла сотиб, 9 миллион сўм даромад топди. Ишловчиларнинг омборига 22 тонна дон тўкилди. Пахта гектарига 34 центнердан тош босди. Унинг асосий қисми биринчи навга сотилиши ҳисобига даромад чўғи 63,5 миллион сўмни ташкил этди. Бу маблағнинг 21 миллион сўми соф фойдадир.

— Президентимизнинг марҳаматлари билан ер мерос қилиб берилмоқда. Энди у биздан кейин ўғил-қизларимизга, невараларимизга қолади. Бу ғамхўрликлар учун минг бор қўллуқ қиламан. Шу билан бирга, топган маблағимнинг бир қисмига замонавий техника воситалари сотиб оламан, — дейди у мамнунлик билан. — Бундан ташқари, маҳсулотни қайта ишлаш цехи очишни ҳам мўлжаллаб турибман.

(Давоми 2-бетда).

Дунё нигоҳи

Г. КЕЛЛЕР,
«Германия-Ўзбекистон илмий жамияти» вице-президенти:

Ўзбекистоннинг Асосий Қонуни мамлакатдаги барча фуқаролар ҳуқуқи ҳимоясини ва бахтли ҳаётини таъминлайди, 2007 йилнинг Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши эса ҳукумат томонидан уларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол исботидир.

Обуна поезди жўнаш арафасида

«Халқ сўзи» — шу номнинг ўзи обуна учун кифоя эмасми?!

2007 йилда қуйидаги мавзуларни фақат **«Халқ сўзи»**да ўқийсиз:

- **Парламент қабул қилган қонунлар**
- **Вазирлар, тармоқ раҳбарлари билан бевосита мулоқотлар**
- **«Журналист суриштируви» рукни остида ижтимоий адолатни кўзловчи мақолалар**
- **Ойида икки марта: «Гурунг» дам олиш саҳифаси.**

Бугун улгурмасангиз, бир йилга кечикасиз

Нашр индексимиз — 229

ШИРКАТ – КЕЧАГИ КУН, ФЕРМЕРЛИК – ҲАР ЖИҲАТДАН УСТУН

(Давоми. Боши 1-бетда).

Булар ҳали ҳаммаси эмас. Назиржон мулкдор бўлгач, «ТТЗ-80» ва «МТЗ-80» русумли тракторлар, «ТТЗ-80-10» тирков агрегати, 4 та тележка, сеялка, «ОВХ» мосламасини сотиб олди. 30 бош қорамолни парвариш қиладиган ихчам молхона биносини тиклади. Ҳамма ҳавас қилгулик уй-жой бунёд этди. Ҳалолдан топгани ҳалолликка буюраётгани кўнгилларга ёруғлик солади, албатта. Элга ош тортиб, қизини куёвга узатди. Иккинчи қизи коллежда, ўғли эса магистр.

Туманда жорий йилда 10 та ширкатдан бирортаси пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажаролмай, қарзга ботиб қолган бир пайтда фермерлар топаётган миллионлаб сўмларга ҳавас қилмай бўладими? Ҳолбуки, туман ширкатларида сарфланган харажатлар миллионлаб сўмларни ташкил этсада, омборлар хувиллаб қолди. Ҳатто машина-трактор паркларида таъмирталаб бўлиб ётган 110 та «Т-28-4» ва «Т-40» русумли тракторларни созлашга ширкатларнинг қўли қисқалик қилмоқда.

Айрим раҳбарлар шу даражага бориб етдики, улар хонадан чиқишни, халқ орасида бўлишни ўзларига эп кўрмадилар. Дала айланмоқчи бўлганларида эса, энг яхши майдонларга олиб борилди. Ҳолати оғир жойларга уларнинг қадами умуман етмади. Бу, албатта, баъзи учарларга қўл келди.

Яна ажратилган минерал ўғитнинг ҳатто ярми ҳам ерга тушмаган ҳолатлар кузатилди. Ёнилғи ва бошқа ресурсларнинг бир қисми қўшни мамлакатларга «экспорт» қилинганидан ҳам кўз юмолмаймиз. Маҳаллий раҳбарларнинг эскилик исканжасида зўрға нафас олаётган ширкатларнинг тугатилишига хайрихоҳ эмаслигининг сабаби ҳам шунда. Ширкатни гўёки соғин сигир фаҳмлаганлар ер фермерлар измига ўтгач, унча-мунча келаётган даромаддан айрилиб қолишдан хавфсирадилар. «Бизда аҳоли ўта зич яшайди, шундай қилсак, ишсизлар кўпаяди» дея янгиланиш йўлига ғов бўлдилар. Ҳаёт уларнинг баҳоналари қанчалик пуч эканини кўрсатди. Аҳолиси ўта зич бўлган Асака, Пахтаобод туманларида азалдан далада ишлаб келаётган деҳқонлардан, механизатор ва сувчилардан ҳеч бири ишсиз қолгани йўқ. Фақат бошқарув тизимида деҳқонлар даромадига кўз тикиб ўтирган ўнлаб идора ходимлари, чорвачилик фермаларида, боғларда, машина-трактор паркларида ва бошқа жойларда ўралашиб юрган боқимандаларга ўзларига яраша ишлар таклиф этилди, холос.

Шаҳрихондаги Навоий номли ширкат хўжалигининг 712 гектар пахта майдони бор. Хўжалик турли ташкилотлардан 548 миллион сўм қарз. Шундай бўлишига қарамай, йигирма нафарга яқин киши идора, ўнлаб кишилар эса гараж ишлари билан банд экани фикримиз исботидир.

Ачинарлиси, бу хўжаликда пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартнома режаси зўр-базўр 77 фоиз бажарилди.

— Шундан қанчаси биринчи навга сотилди? — сўраймиз ширкат бошқаруви раиси Абдували Солиевдан.

— 65-67 фоизи атрофида бўлса керак, — мужмал жавоб қилди раис.

— Бир центнер пахтани етиштириш учун қанча харажат қилинди?

— Ҳисобчидан билиб бераман, — телефонга ёпишди у.

— Пахтадан келган даромадни айтолмайсизми?

— Мен, яхшиси, ғир этиб идорага бориб келай, ҳаммасини тоҳний айтаман.

Рози бўлдик. Орадан анча муддат ўтгач, раис бизни қизиқтирган рақамлар билан таништирди: бир тонна пахта 312 минг сўмданга тушибди. Ҳолбуки, бу кўрсаткич иқлим шароити ғоят мураккаб Арнасойнинг «Лафасбой» фермер хўжалигида 293 минг сўмданга тўғри келган. Ширкат йилни пахтачиликнинг ўзидан 14 миллион сўм зарар билан якунлаётир. Хўжаликда эти устихонига ёпишган 120 бош қўйни ҳисобга олмаганда, чорвачилик абгор бўлган. 3 та «Т-28» чопиқ трактори, 3 та юк машинаси носоз. 2 та клуб, шунча шийпон эса ночорликдан сотувга қўйилган.

Тумандаги «Шарқ юлдузи» ширкат хўжалигидаги аҳвол бундан-да баттар. 317 гектар майдонда етиштирилган пахтанинг 68 фоизигина биринчи навга қабул қилинган. Сарф-харажатлар эса ҳаддан ортиқ. Жумладан, бир центнер пахтага у тарозига тушгунга қадар 414 минг сўмлик харажат сарфланган. Бутун бошли фермада бор-йўғи 42 бош қорамол билан 65 бош қўй қолган. Қишлоқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича йил сайин орқага қараб кетаётган ширкатнинг солиқдан қарзига келсак, бу 50-60 миллион сўмга тенг. Нафақа фондидан эса 110-115 миллион сўм қарздор.

— Далада ишлаётганларнинг ҳар бирига ойига 20-25 минг сўмдан иш ҳақи беряпмиз, — ўз сўзларига ўзиям ишонқирамай сўз қотди раис.

— Иш ҳақидан қарздорлик қанчага борди?

Раис Улуғбек Файзуллаев яна жўяли гап айтолмай, асабийлашди.

Туман хўжаликлари ўтган йилни 6 миллиард 686 миллион сўм зарар билан якунлаган эди. Бу йил эса жами қарз 14 миллиард сўмга яқинлашди. Шунинг 2,5 миллиард сўми иш ҳақига тегишли. Мутахассисларнинг айтишича, ҳали йил якунлангани йўқ, эҳтимол, қарздорлик яна ҳам юқори бўлиши мумкин.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади: ширкат ўз вақтида тугатилиб, фермер хўжаликлари ташкил топганида ва улар қишлоқларда етакчи кучга айланганида ана шу сира ақлга тўғри келмайдиган рақамлар пайдо бўлармиди? Йўқ, албатта.

— Ишга эскича ёндашув, одамларда ерга ва мулкка эгалик ҳиссиёти, ўз меҳнатидан манфаатдорлик туйғусини уйғота олмаслик оқибатида мана, икки йилдирки, ер, сув шароити, табиий ва меҳнат ресурслари жиҳатдан жуда катта имкониятларга эга бўлган вилоятда пахта тайёрлаш шартномавий режаси барбод бўлмоқда. Ўтган йили вилоят бўйича 225 та хўжалик режани бажаролмагани туфайли давлатга 44 минг 827 тонна пахта хомашёси етказиб берилмади. Бу — 11,5 миллиард сўм миқдоридаги даромад бой берилди, дегани. Жорий йилда эса, юқорида айтиб ўтилганидек, ҳукумат томонидан вилоят хўжаликларига етарли миқдорда сифатли уруғлик, ёнилғи-мойлаш материаллари, минерал ўғит, техника воситалари ва бошқа ресурслар ўз вақтида етказиб берилганига қарамасдан, 65 та ширкат хўжалигидан 46 тасида давлат буюртмаси бажарилмади - 44.000 тонна пахта кам тайёрланди. Қабул пунктларига топширилган ҳосилнинг 81,7 фоизигина биринчи навга сотилганига нима дейсиз?

Президентимиз халқ депутатлари Андижон вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бу ерда юзага келган вазият, айниқса, қишлоқ хўжалигидаги оқсоқлик ва депсинишларнинг сабабларини таҳлил қилиб бердилар. Энди, табиийки, ўз умрини яшаб бўлган ва ҳозирга қадар эскилик исканжасидан чиқолмаётган 65 та ширкат тугатилиб, улар негизида кўплаб фермер хўжаликлари ташкил этилади. Ҳисоб-китобларга кўра, 58 минг 357 гектар экин майдони, 2,5 минг гектардан ортиқ мева берадиган боғ, 402 гектар токзор, салкам 1,5 минг гектар тутзор уларга, яъни, ернинг ҳақиқий эгаларига берилиши кутилаётир.

Муҳими, олдинда ўтган йилларда йўл қўйилган жиддий хато ва камчиликларга барҳам бериш, қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, айниқса, фермерлик ҳаракати йўлидаги ҳар қандай ғовларни олиб ташлашдек кенг қамровли вазифалар кутмоқда. Аниқроқ қилиб айтганда, ҳамиша янгиликларга интилиб келган андижонликларни ўз ҳаётларидан, меҳнатларидан рози бўлиб яшашларини, фаровон ҳаёт кечиришларини таъминлашдек ғоят муҳим масалаларга ечим топишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бундай эзгу ниятларга эришиш учун, албатта, адолат нури қалбларга сизиб кириши керак. Ўшанда орзу-умидларнинг амалдаги рўёби қарор топади.

Баҳриддин САТТОРОВ,
Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.

Қарор ва ижро

Мамлакатимизда спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва уларни сотиш устидан назорат кучайтирилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг "Спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш устидан давлат назоратини кучайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ана шунга хизмат қилади. Самарқанд вилоятида мазкур Қарор ижросини таъминлаш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Бу борадаги ишларнинг самарадорлигини ошириш бўйича тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди.

Назорат мунтазам ва таъсирчан бўлса...

Солиқ ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан иборат ишчи гуруҳлари, аввало, Самарқанд шаҳрида спирт ва алкоголли ичимликлар тайёрловчи корхоналар ишлаб чиқариш қувватларини ўрганишди.

— Алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда уларнинг сотилишини тартибга солиш борасида жойларда муайян ишлар амалга оширилаяпти, — дейди Самарқанд вилояти давлат солиқ бошқармаси қисқа муддатли текширишлар ўтказиш бўлимининг бошлиғи Зафар Норқўзиев биз билан суҳбатда. — Ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар билан ҳамкорликнинг йўлга қўйилгани, махсус ишчи гуруҳларининг тузилиши сохада тартибсизликларнинг, ноқонуний ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилаяпти.

Таъкидлаш лозимки, ишчи гуруҳи алкоголли маҳсулотлар билан савдо қилиш рухсатномасига эга бўлган 519 та субъект фаолиятининг қонуний асосда амалга оширилишини мунтазам назорат қилиб боришни режалаштирган. Назорат жараёнида мазкур субъектларнинг рухсатнома талабларини тўлиқ бажариши, кирим қилинган ва сотилган алкоголли ичимликлар миқдори, банк кассаларига нақд пул топшириш, савдо майдонининг белгиланган талабларга мос келиши ўрганилди. Натижада 52 та қонунбузарлик ҳолати аниқланди ва тегишли чоралар кўрилди.

Мутахассислар спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва сотиш қўламини тахминий ҳисоб-китоб қилишганида вилоятда яширин цехлар ҳамон мавжудлиги маълум бўлаётир. Шунинг учун алкоголли ичимликлар чакана савдосига рухсат берилган савдо шохобчалари, маҳсулотни қаердан ва қандай йўл билан олишгани, савдо тушумларини банкка топшириш жараёни белгиланган жадваллар асосида назорат қилиб борилаяпти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 30 декабрдаги қарорига илова қилинган "Этил спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятини лицензиялаш тўғрисида"ги Низомда этил спирти ҳамда алкогол маҳсулотларини ишлаб чиқариш, сотиш миқдорига лицензия олиш вақтида кўрсатилган ҳажмлар таъминламаганда, жумладан, бюджетга ва давлат фондларига тўловлар уч ой ва ундан кўп вақт мобайнида тўланмаса лицензия бекор қилиниши белгиланган. Фикримизча, сохада акциз солиғи режасини бажармаган мансабдор шахс ёки давлат масъул вакили учун ҳам жавобгарлик белгиланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Хуллас, спирт ва алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқариш, уларнинг сотилиши устидан давлат назоратини кучайтириш борасида ҳали бажарилиши лозим бўлган вазифалар, ечимини кутаётган муаммолар талайгина. Бу эса солиқ хизмати ва тегишли ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари зиммасидаги масъулиятни янада ошириши, табиий.

Абдурасул САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

вақтида ўрганилмаганлиги, республиканинг деярли барча ҳудудларида кабель маҳсулотларини ўғирлаб кетиши оқибатида телефонларнинг узоқ вақт ишламаслиги кишини ташвишлантиради.

Тадбирда ўртага ташланган масалалар юзасидан қарор қабул қилиниб, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, «Ўзбектелеком» АК, бошқа тегишли вазирлик ҳамда идораларга тавсиялар берилди.

* * *

Шу куни парламент қуйи палатаси **Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси**нинг давра суҳбати бўлиб ўтди. У "Саноат сиёсати ва мазкур соҳага оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш муаммолари" мавзуига бағишланди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда саноат сиёсатини амалга ошириш борасида изчил ислоҳотлар олиб борилаётир. Соҳа тараққиёти йўлидаги амалий тадбирлар эса ўз навбатида иш чиқариш суръатларининг ўсишига, саноат корхоналарининг ривожланишига сабаб бўлмоқда. Масалан, 2006 йил 9 ойлик якуни бўйича кутилаётган саноат соҳасидаги кўрсаткичлар 10,2 фоизга ўсган.

Йиғилишда сўзга чиққан мутахассислар саноатнинг баъзи тармоқларида айрим муаммолар мавжудлигини таъкидладилар. Хусусан, қишлоқ хўжалик техникаларини, пахта толаси ва доривор ўсимликларни кимёвий ҳимоя қилиш каби воситаларни ишлаб чиқариш ҳажми қисман камайган. Саноатнинг хом-ашё йўналишига бўлган эҳтиёжи эса ҳамон қониқарсиз даражада сақланиб қолмоқда. Шу боис, тадбирда мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун "Саноат сиёсати тўғрисида"ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш лозимлиги қайд этилди. Бу ҳужжат саноат корхоналарининг самарадорлигини, рақобатбардошлигини ошириш, молиявий барқарорлигини таъминлаш ва тадбиркорликни кенгайтириш учун асос бўлиши таъкидланди.

* * *

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида бўлиб ўтган халқаро семинар парламент фаолиятини ривожлантириш ва парламентлараро алоқаларни мустаҳкамлашнинг долзарб масалаларига бағишланди. У парламент қуйи палатаси **Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт Дастури лойиҳаси** ҳамкорлигида ташкил этилди.

Семинарда жаҳон парламентлари ва Ўзбекистон Республикаси парламенти фаолиятининг бугунги кундаги тажрибалари, парламентлараро ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини шарҳлаш, халқаро муносабатларнинг парламент ўлчови кўрсаткичлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва Халқ депутатлари вилоятлар Кенгашлари фаолиятининг таҳлили тўғрисида сўз юритилди.

Зиёда АШУРОВА.

ҚИРҚ ТЎҚҚИЗ СОНИЯДА ҒАЛАБА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мазкур баҳсларда 243 нафар юртдошимиз 31 спорт тури бўйича баҳсларда иштирок этди. Мусобақа якунида Ўзбекистон терма жамоаси **11 та олтин, 14 та кумуш ва 14 та бронза (жами 39 та)** медали билан умумжамоа ҳисобида еттинчи ўриндан жой олди.

Яна бир яхши гап. Осиё ўйинларида гарчанд норасмий равишда бўлса-да, миллий қадриятимиз — кураш бўйича ҳам мусобақалар ташкиллаштирилди. Унда Давлат Чориев, Равшанбек Маҳмудов ва Ҳикмат Куртов сингари номдор полвонларимиз гиламга чиқдилар. Навбатдаги Осиё ўйинларида кураш бўйича мусобақалар расмий равишда ўтказилишига умид қилса бўлади.

Энди келинг, ўзининг ажойиб ғалабаси билан Ўзбекистон довруғини жаҳонга таратган спортчиларимизни яна бир бор эсга олайлик. Юртимизга биринчи олтин медалларни академик эшкак эшиш бўйича жамоамиз вакиллари келтиришди. Жуфтликлар ўртасида 1000 метрга бўлган мусобақа финалида **Владимир Черненко ва Руслан Науразалиев**, шу масофада аёллар ўртасидаги беллашувда **Зарина ва Севара Ғаниевалар** рақибларига имконият қолдирмай, олтин медаллар шодасини қўлга киритишди. Енгил атлетикачи **Гўзал Хуббиева** маҳоратига ҳам тан бермасдан иложимиз йўқ. У 100 метр масофага югуриш баҳсларида олтин, 200 метрга югуриш беллашувида эса кумуш медаль эгасига айланди. Байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича терма жамоамиз вакиллари эришган натижа ҳам таҳсинга лойиқ. **Вадим Меньков** «С—1» русумли қайиқда 1000 метрга бўлган, **Юлия Борзова** эса «К—1» русумли қайиқда 500 метрга бўлган масофадаги беллашувларда олтин медаллар соҳибига айланишди.

Иқтидорли спортчимиз **София Каспўлатова** номи кўпчиликка таниш. У бир неча бор Осиё чемпиони бўлган. Жаҳон чемпионати ва Пусанда ўтган XIV Осиё ўйинлари совриндоридир. Энди унинг олтин медаллари орасига Осиё ўйинлари чемпионлиги ҳам қўшилди.

Ўзбек бокс мактаби, деган жумла кўп бора ишлатилади. Руфат Рисқиев, Артур Григорьян, Муҳаммадқодир Абдуллаев, Руслан Чагаев.... Бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. XV Осиё ўйинларида йигитларимиз бокс бўйича энг юқори натижага (3 та олтин, 1 та кумуш, 2 та бронза) эришдилар. Демак, ўзбек бокс мактаби ўз анъанасига содиқ қолмоқда. Сидней Олимпиадаси бронза медали совриндори **Рустам Саидов**нинг (+91 кг.) финалда қозоғистонлик номдор боксчи Мухторхон Дилдабековни мағлубиятга учратиб (29:9), олтин медалга сазовор бўлгани ҳам катта шов-шувга сабаб бўлди. Шунингдек, **Баҳодир Султонов** (57 кг.), **Элшод Расулов** (75 кг.) рақибларига ҳеч қандай имконият қолдирмай Осиё ўйинлари чемпионларига айланишди.

Эркин ва юнон-рум кураши бўйича полвонларимиз ҳам доимо пешқадамлар сафида юришган. Шу спорт тури бўйича қатнашган вакилларимиз ҳам навбатдаги олтин медалларга сазовор бўлишди. **Дилшод Мансуров** (55 кг.) мамлакатимиздаги энг иқтидорли полвонларимиздан бири ҳисобланади. У жаҳон чемпионати ва олдинги Осиё ўйинларида шоҳсупанинг юқори поғонасидан жой олганди. XV Осиё ўйинлари ҳам Дилшод учун омадли келди. Саралаш баҳсларини муваффақиятли ўтказди. Финалда эса КХДР полвони Гук Хюн Жонгни катта устунлик билан мағлубиятга учратиб, олтин медаль соҳиби бўлди. Жаҳон ва Олимпиада чемпиони **Артур Таймазов** (120 кг.) дунёдаги энг кучли эркин курашчилардан ҳисобланади. У ўтказган финал учрашуви энг қисқа беллашувлардан бири бўлиб, тарихдан жой оладиган бўлди. Артур эронлик таниқли полвон Фардун Масумийни қирқ тўққиз сония ичида (13:0) енгди.



Юқорида санаб ўтилган кўрсаткичлар ўз якунини топган қитъа ўйинлари ҳақидаги дастлабки фикрлардир. Юртдошларимиз забт этган марралар таҳлилини газетамизнинг келгуси сонларида ўқийсиз.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Суратлар муаллифи: Анвар ИЛЁСОВ, «Жаҳон» АА махсус мухбири.

МАДАНИЯТ хабарлари

Болаликнинг сеҳрли дунёси қизиқ: унда ҳамиша яхшилик билан ёмонлик рўбарў келади ва албатта яхшилик ғалаба қилади.

Ардоғимдасан, Ватан!

Қашқадарё вилояти қўғирчоқ театри ижодкорлари томонидан саҳналаштирилган "Севинч" ва "Юлдузча" асарларида ҳам яхшиликнинг ғалабаси тараннум этилган. Ушбу асарлар асосан вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли мактаблар, мактабгача тарбия муассасаларида намойиш этилаётир. Шунингдек, болажонлар учун "Қўғирчоқлар куйлаганда" деб номланган маданий тадбир ҳам ёш томошабинларга ғоятда манзур бўлмоқда. Яна бир эътиборли томони шундаки, вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси ташаббуси билан ўтказилаётган ушбу тадбирлар доирасида ёш мусаввирлар асарларининг кўргазмасини ташкил этиш ҳам кўзда тутилган.

Садоқат ва дўстлик мадҳи

Ёшлар қалбида умуминсоний қадриятларни камол топтириш Ватанга садоқат, миллатлараро дўстликни таранним этувчи спектакллар намойишига ҳам боғлиқ.

Шу кунларда Андижон вилоятидаги театр жамоалари томонидан саҳналаштирилаётган барча асарлар юқоридаги мавзуларни қамраб олган. Бобур номидаги вилоят мусиқали драма театри жамоаси Насрулло Қобилнинг "Тўда", Назиржон Раҳимовнинг "Оқибат", Туроб Акбархўжанинг "Афтинг қийшиқ бўлса..." сингари асарлари билан нафақат андижонлик, балки Фарғона ва Қўқон шаҳри аҳолисининг ҳам олқишига сазавор бўлаётир.

Айни кунларда ижодий жамоа "Аждодлар туғёни", "Дилрабонинг она тумори" сингари бир қатор асарларни саҳналаштириш борасида изланишлар олиб бормоқда. Шунингдек, Аббос Бакиров номидаги ёшлар театри "Чилла чечаги", "Қабоҳат комида", "Меҳр қолур", "Лола"қўғирчоқ театри эса болажонлар учун бир қатор эртак-қиссаларни намойиш этаётир. Қўғирчоқ театри томошаларининг вилоят туманларидаги мактаблар ва мактабгача тарбия муассасаларига кўчирилгани барчада қулайлик туғдирмоқда.

«Бухоро бекати»

Бухоро вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий маркази қошидаги "Ситора" халқ кинофотостудиясининг кўргазмалар залида очилган кўргазма "Бухоро бекати" деб номланди.

Ушбу кўргазманинг бошқаларидан фарқи шундаки, тадбирда асосан Франция, Туркия ва эронлик санъат усталарининг энг сара асарлари ўрин олган. Кўргазмага қўйилган ҳар бир асар ўша юртнинг тарихи, маданияти ва илм-фан соҳасидаги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилади. Айниқса, франциялик таниқли фотосассомлар Артур Тевенарт ва Жак Крени ижодига мансуб асарлар кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Уларнинг асарлари орасида таниқли моделлар, актёр ва спортчиларнинг суратлари ҳам бор.

Энг намунали клуб қаерда?

Форишда! Негаки, туман марказий маданият уйи Жиззах вилоятида ўтказилган танловда энг намунали клуб муассасаси деб топилди.

Бу ерда йил давомида турли тўгараклар фаолият олиб боради. Маданият уйи қошида ташкил этилган халқ дастаси тумандаги қишлоқлар, ҳатто қўшни туманларга ҳам сафарлар уюштиради. Вилоят ва республика миқёсида ўтадиган танловлар, тадбирларга мунтазам қатнашади.

Ғолиблар танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Чолғулар сеҳри

Пойтахтимиздаги Маданият ва санъат кўргазмаси биносида ЮНЕСКО ва Япония Ишонч жамғармасининг "Шашмақом Марказий Осиёнинг мумтоз мусиқасини сақлаш лойиҳаси" асосида "Анъанавий мусиқа чолғулари" кўргазмаси очилди.

Унда мамлакатимизнинг турли вилоятларида яшаб ижод этаётган усталар ясаган миллий чолғу асбоблар намойиш этилмоқда.

— Ушбу кўргазма ўзбек чолғу асбобларини тарғиб этишда муҳим ўрин тутади, — дейди тадбир иштирокчиси, санъаткор Туҳфахон Ортиқова. — Санъатга дахлдор усталаримизнинг нақадар нозик дид соҳиблари эканликларига яна бир бор амин бўласан киши.

Марғилон жамоли

Гўзал водийнинг энг қадимий шаҳарларидан бири бўлган Марғилон бу йил ўзининг 2000 йиллигини нишонлайди.

Шу муносабат билан шаҳарда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Республика Бадиий академиясининг Тошкент Фотосуратлар уйида очилган кўргазма ҳам айнан ушбу қутлуғ санага бағишланади. "Марғилон: гўзал водий тарихи акс этган шаҳар" деб номланувчи ушбу кўргазмани томоша қилган киши шаҳарнинг ўтмиши ва бугуни билан рўбарў келади. Қадим-қадимдан тўқувчилик, каштадўзлик, ҳунармандчилик, косибчилик ривожланган ушбу шаҳарда бугунги кунда амалга оширилаётган ишлар ҳам ўз аксини топган. Кўргазма жорий йилнинг 28 декабрига қадар давом этади.

Хабарларни Мавжуда ХОЛМАТОВА ва Мухтасархон КАРИМОВА тайёрлади.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Буюк Британия разведка хизмати раҳбари истеъфога чиқди. Элиза Меннингэм-Булер ўзининг бу қарорини пайшанба куни кечқурун эълон қилди. Ҳозирча унинг ўрнини мамлакат ички ишлар вазири Жон Рейд эгаллаши кутилаяпти. Элиза хонимнинг ўз лавозимидан эрта кетишига ўтган йил Лондондаги жамоат транспортида юз берган терактлар сабаб бўлди.

Ливан Бош вазири Фуад Синиори Москвадан ёрдам сўради. У Сурия билан алоқаларни тиклашда расмий Москвадан кўмак сўраш мақсадида Россияга ташриф буюрди. Бош вазир Россия Президенти Владимир Путин билан музокаралар ўтказди. Унинг Россияга сафари мамлакатда ақсилҳукумат намойишлари бўлиб ўтаётган бир пайтга тўғри келди.

«ХАМАС» «ФАТХ»ни Фаластин ҳукумати раҳбари Исмоил Ханияга суиқасд уюштиришда айбламоқда. Гуруҳ вакилининг билдиришича, бош вазир кетаётган автоколонна Ғазо секторидаги чегара пости яқинида ўққа тутилган. Отишмалар чоғида Ханиянинг ўғли жароҳатланган. Маълумотларга кўра, Хания ўз ҳукумати учун Эрондан 30 миллион доллар маблағни нақд олиб келаётганда, чегарада Исроил ҳарбийлари уни ўтказишмаган. Маблағ Миср чегара постида қолдирилган.

Тайван президенти рафиқаси устидан суд жараёни бошланди. Мамлакатнинг биринчи хоними У Шучжэнь президентнинг уч нафар собиқ маслаҳатчиси билан давлат бюджети маблағини ноқонуний тарзда ўзлаштирганликда айбланаяпти. Бюджетдан чет элдаги махсус фондга хонимнинг таъсири билан 450 минг доллар атрофида маблағ ўтказилган. У Шучжэнь ўзига қўйилаётган барча айбловларни рад этмоқда. Тайван Призиденти Чэн Шуйбян агар суд турмуш ўртоғини айбдор деб топса, ўзи зудлик билан истеъфога чиқишини билдирди.

Ироқда гаровга олинган 25 нафар киши озод қилинди. Яна беш қишининг тақдири номаълумлигича қолмоқда. Пайшанба куни бир гуруҳ қуролланган кишилар полиция кийимида келиб, Бағдод марказидаги дўкон эгалари ва харидорларни гаровга олишган.

БМТнинг янги Бош котиби Пан Ги Мун Нью-Йоркда қасамёд қабул қилди. Жанубий кореялик дипломат келгуси йил 1 январдан эътиборан ўз вазифасини бажаришга киришади. Пан Ги Мун халқаро ҳамжамиятнинг саккизинчи раҳбаридир. У ўз сўзида БМТнинг ўтган йиллар давомида йўқотган обрўсини тиклашга ваъда берди. Пан Ги Мун, шунингдек, ҳамжамиятнинг уч асосий йўналиши — хавфсизлик, ривожланиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини мустаҳкамлаш тарафдори эканлигини ҳам айтди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Боёвут Сирдарё вилоятининг йирик туманларидан бири. Туман аҳли ҳар йили аграр соҳада катта ютуқларга эришиб келмоқда. Боёвутлик деҳқонларнинг пахтачилик соҳасидаги тажрибаси айниқса эътиборга сазовор. Туманнинг экин майдонлари 28815 гектарни ташкил этади. 2006 хўжалик йилида туман фермерлари давлатга 25000 тонна сара дон, 45000 тоннадан ортиқ сифатли пахта хом ашёси топшириб, давлат режаларини шараф билан уддаладилар.

ДЕҲҚОНГА ЕЛКАДОШ

— Албатта юқоридаги ютуқлар ўз-ўзидан қўлга киритилгани йўқ. Бу зафарлар ортида машаққатли меҳнат, уйқусиз тунлар ётибди. Ер майдонларига агротехник ишлов бериш, ерни сифатли шудгорлаш, парвариш юмушлари техника зиммасига юкланган.

— Машина трактор парки акционерлик жамиятимиз бугун 92 та фермер хўжалигига техник хизматлар кўрсатиб келмоқда, — дейди туман МТП раиси Бахтиёр Убайдуллаев. — Жорий йил ғалла ўриш мавсумини машина трактор паркимиз жамоаси уюшқоқлик билан олиб бордилар. Паркимиздаги мавжуд 16 та «Кейс — 2366» русумли ғалла ўриш комбайнлари билан жами 10230 гектар майдондаги ғалла ҳосили ўриб-янчиб олинди.

Ғалла ўриш мавсуми давомида комбайнчилардан П.Шарипов 790 гектар, Р. Дадабоев 750 гектар, Э.Худойбердиев 720 гектар ғалла ҳосилини ўриб бердилар. Мавсум якуни натижаларига кўра улар ғолиб деб топилиб, корхона маъмурияти томонидан рангли телевизор ва қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантирилди.

Пахта терими мавсумида ҳам МТП ихтиёридаги 37 та «Кейс — 2022» русумли пахта териш машиналари деҳқонларнинг оғирини енгил қилди. Мавсум давомида маъмурият томонидан илғор операторлар рағбатлантирилиб борилди. Натижа эса ёмон бўлмади. Мавсум давомида А. Асқаров 186 тонна, Р.Ҳожибоев 161 тонна, А.Темурбоев 148 тоннадан ортиқ пахта териб, деҳқонларга яқиндан кўмак бердилар.

Айни дамларда туманда кузги шудгорлаш ишлари қизғин паллага кирган. МТПда 87 турдаги ҳайдов техникалари бўлиб, 15 та «Магнум», 3 та «МХ-135», 10 та «К-700» ва 59 та занжирли ҳайдов тарқторлари кузги ер ҳайдов тадбирларида фаол иштирок этмоқда. Тумандаги мавжуд 15350 гектар ер шудгор қилинди. Ҳар 10 кунда шудгорлаш ишларида фаол меҳнат қилаётган оператор ва хизмат кўрсатувчи слесарь таъмирловчилар рағбатлантирилиб борилди. Булардан ташқари, МТПда 92 та чопиқ тракторлари мавжуд бўлиб, ушбу техникалар ҳозирда сифатли таъмирланмоқда. Эҳтиёт қисмлар харид қилинган. Ишчи гуруҳи назорати остида таъмирга муҳтож сеялка, борона каби агротехника воситалари ҳам кўздан кечирилиб, тадбирга асосан таъмирланмоқда. Ушбу ишга 12 нафар муҳандис-техник, 20 нафардан кўпроқ таъмирловчи, 23 нафар қўшимча хизмат кўрсатувчи ходимлар жалб этилган.

* * *

Боёвутнинг бепоён далалари...

Ёмғирлардан жунжиккан хазонрез дарахтлар. Мўл ҳосил ишқида меҳнат қилаётган, заҳмат чекаётган азамат оператор, тракторчи, таъмирловчиларга юракдан таҳсинлар айтгингиз келади.

Президентимиз Ислом Каримов ҳамиша ислоҳотлар инсон фаровонлиги учун хизмат қилмоғи лозимлигини таъкидлайдилар.

Демак, аграр соҳада ўтказилаётган ислоҳотлар замирида одамлар турмуш фаровонлигини оширишдек улуғ мақсадлар ётибди. Боёвут тумани МТПнинг аҳил жамоаси ҳам улуғ ўзгариш ва янгиланишлар йўлида меҳнат қилмоқда, обрў-эътибор топмоқда.

Норқул МАЪМУР.

Саммит арафасида

Аъзолик шартлари кўпаяди

Брюсселда Европа Иттифоқига аъзо давлатлар раҳбарларининг йиллик саммити ўтказилиши кутилаяпти. Унда асосан ЕИга аъзо бўлиб киришнинг талабларини кўпайтириш масаласи муҳокама қилинади. Бундан ташқари, Еврокомиссия аҳлия соҳасида ва ички ишларда вето ҳуқуқини бекор қилишни таклиф қилмоқчи. Ушбу масала аъзолар ўртасида катта баҳс-мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. ЕИ раҳбарияти бу соҳада вето ҳуқуқининг бекор қилиниши халқаро терроризмга қарши курашда самарали ҳамкорлик қилишда қўл келишини билдиришмоқда.

Ҳозирдан мазкур таклифга норозилар аниқ бўлди. Буюк Британия, Германия ва Нидерландия вето ҳуқуқининг бекор қилиниши ЕИ конституциясининг тақдирини хавф остига қўяди, деб ҳисоблашмоқда.

Саммит иштирокчилари ўтказадиган музокараларда Туркиянинг иттифоққа қўшилиш масаласида киритган таклифи ҳам кўриб чиқилади. Эслатиб ўтамиз, душанба куни ЕИ ташқи ишлар вазирлари Туркиянинг иттифоққа кириш йўлида олиб бораётган музокараларини вақтинча тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди. Туркия ўз портлари ва аэропортидан ЕИнинг аъзоси ҳисобланган Кипрга фойдаланишни тақиқлагани бунга сабаб бўлди.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлалигича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотни танлаш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

№ Лот	Объект номи ва манзили	Қурилиш муддати
	ЛОТ-1-2	
ЛОТ-1	Ургут тумани, Жўрантепа қишлоғидаги 640 ўқувчи ўринли 51-мактабни капитал реконструкция қилиш	6 ой
ЛОТ-2	Пахтачи тумани, Карнабота қишлоғидаги 360 ўқувчи ўринли 52-мактабни капитал реконструкция қилиш (жумладан, 240 ўқувчи ўринли янги ўқув биноси қурилиши билан)	8 ой

Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили — Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 1-уй.

Телефон: (8-3662) 35-82-86.

Қурилиш ишлари Бюджетдан ташқари мактаб жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларига ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига — қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдони, 2-Г корпус, 208-хона.
Телефон: 33-32-00. Факс: 31-13-51.

Танлов ҳужжатлари битта ЛОТ тўпламининг қиймати — 60 000 (олтмиш минг) сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиши куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, «Кўксарой» майдонида, соат 18.00 да Самарқанд вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

O'ZSANOATQURILISHBANK

«СЮРПРИЗ» ЮТУҚЛИ ОМОНАТИ

2006 йил 13 декабрда Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг «Сюрприз» ютуқли омонати бўйича 10-ютуқ тиражининг

РАСМИЙ ЖАДВАЛИ

Ютуқлар қуйидаги ҳисобварақ рақамларига чиқди:

№№ т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб-варақ рақами	№№ т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб-варақ рақами	№№ т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб-варақ рақами	№№ т/р	Ютуқ миқдори % да	Ҳисоб-варақ рақами
1	50	2	26	25	251	51	50	500	76	100	758
2	25	19	27	50	265	52	25	511	77	25	769
3	25	28	28	25	275	53	25	520	78	25	771
4	25	30	29	25	285	54	25	530	79	25	785
5	25	42	30	25	292	55	100	545	80	25	799
6	25	58	31	100	303	56	200	551	81	25	805
7	25	65	32	50	318	57	200	564	82	50	810
8	25	78	33	25	323	58	25	575	83	50	825
9	25	81	34	100	336	59	25	586	84	25	834
10	25	98	35	50	346	60	100	596	85	25	845
11	50	105	36	25	350	61	25	606	86	25	855
12	25	117	37	25	364	62	25	619	87	25	868
13	50	129	38	25	374	63	25	627	88	25	872
14	25	134	39	50	389	64	100	637	89	25	880
15	25	149	40	50	392	65	25	647	90	25	897
16	25	157	41	25	400	66	25	654	91	100	901
17	50	166	42	200	414	67	25	666	92	25	913
18	25	176	43	100	429	68	25	677	93	200	921
19	25	188	44	50	439	69	100	689	94	25	939
20	25	190	45	25	449	70	25	695	95	25	945
21	25	202	46	25	457	71	50	705	96	50	958
22	25	212	47	25	469	72	25	711	97	200	961
23	50	220	48	25	477	73	25	728	98	50	972
24	100	234	49	25	485	74	25	735	99	50	986
25	50	244	50	25	492	75	50	743	100	25	995

ИЗОҲ: Ютуқлар ушбу жадвалда фақатгина биринчи мингталик ютуқли ҳисоблар бўйича кўрсатилган. Агарда ютуқли омонат бўйича ҳисобварақлар сони мингдан ошиқ бўлса, унда кейинги минглик ҳисобварақаларида ҳам худди шу сонлар ютуқли ҳисобланади, худди биринчи мингталикдагидек.

Мисолучун: ВС-2, С-1002, ВС-2002, ВС-3002 ва ҳ.к.

Ушбу жадвал расмий ҳужжат ҳисобланиб, «Ўзсаноаткурилишбанк» филиаллари унинг ёрдамида ютуқлар миқдорини ҳисоблаб чиқаради ва белгиланган тартибда ютуқ эгаларига тўлайди.

Ҳайъат раиси,
«Ўзсаноаткурилишбанк» бошқаруви
раисининг ўринбосари — Ш. И. Якубов

Масъул котиб, хусусий мижозлар билан
иш олиб бориш бўлими бошлиғи — Н. Г. Эргашходжаев

Хонимлар ва жаноблар!

2006 йил 20-22 декабрь кунлари Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар залида **«Home Decor and Furniture»** халқаро савдо кўргазмаси бўлиб ўтади.

Кўргазмада Индонезиянинг кўзга кўринган компаниялари ўзларининг уй интерьери технологиялари, ротанг хомашёсидан тайёрланган турли хил мебеллар, ёритиш ускуналари, декоратив керамика ҳамда уй хоналарини жиҳозлаш учун зарур бўладиган маҳсулотларни тақдим этади. Шунингдек, кўргазмага ташриф буюрган ўзбек аҳли Индонезиянинг турли хил чойларидан баҳраманд бўлиши мумкин.

Барчани кўргазмага таклиф этамиз.
Манзил: Ш.Рашидов к., 40-уй, Ўзбекистон Бадиий академияси кўргазмалар зали.
Телефонлар: 150-60-04, 132-02-36, 132-02-37.



Ташкилотчилар: Индонезия Республикасининг элчихонаси, Тошкент шаҳри.
PT APEX INDONUSA PRIMA

Кўмагида: O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI, MAKSIMA

Ахборот кўмаги: HUMO

ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО С ИНОСТРАННЫМИ ИНВЕСТИЦИЯМИ "SANOATQALINQOG'OZSAVDO"

ПРИНИМАЕТ В НЕОГРАНИЧЕННОМ КОЛИЧЕСТВЕ

МАКУЛАТУРУ ОТ НАСЕЛЕНИЯ И ОРГАНИЗАЦИЙ

В ОБМЕН НА ТОВАРЫ ПОВСЕДНЕВНОГО СПРОСА И НАЛИЧНЫЕ ДЕНЬГИ. МАКУЛАТУРУ МОЖНО СДАТЬ В ПРИЕМНЫЕ ПУНКТЫ ОАО ИИ "SANOATQALINQOG'OZSAVDO"

АДРЕСА ПРИЕМНЫХ ПУНКТОВ:

Г. ТАШКЕНТ: МИРАБАДСКИЙ РАЙОН, УЛ. НАРХОДЖАЕВА, 56 МАССИВ ЧИЛАНЗАР, КВАРТАЛ 26 МАССИВ ЮНУСАБАД, КИНОТЕАТР "КАЗАХСТАН" МАССИВ ЯЛАНГАЧ "ДЕХКОН БОЗОРИ"	Г. АНГРЕН: УЛ. НАВОИ, 22 КВ-Л 5/6, Д.14 КВ-Л 5/4	Г. ДУКЕНТ ОРИЕНТИР — "УНИВЕРСАМ"	Г. АЛМАЛЫК "АЙДИН БОЗОРИ"	Г. БЕКАБАД ОРИЕНТИР - ГОРОДСКАЯ ПРОКУРАТУРА	Г. ТОЙ-ТЕПА "БОЗОРИ"

ТЕЛЕФОНЫ ДЛЯ СПРАВОК в г. Ташкенте 293-03-80, 191-61-90; в г. Ангрене (370 166) 3-28-65, 2-12-23

Юрт ҳақида қўйлаш осонми?

Сарлавҳани бундай қўйишимизнинг сабаблари бор, албатта. Улардан бири шуки, айрим ёш хонандаларнинг саҳнага енгил-елпи хиргойилар (қўшиқ деб бўлмайди) билан чиқаётгани бўлса, яна баъзиларининг тингловчиларга нописандлик ила муносабатда бўлишларидир. Ваҳоланки, уларнинг ижоди тинглашга лойиқ ёки нолойиқлиги ҳам баҳсталаб бўлса-да, айрим "юлдуз"чаларнинг "осмондан" келишлари энсани қотиради.

МУЛОҲАЗА

Нега шундай? Нима учун улар устоз санъаткорлардан ўрнак олишмайди? Айтишларича, етук ҳофиз Комилжон Отаниёзов саҳнага чиқ-қач, тингловчиларга бот-бот таъзим қилиб, қўшиғини бошларкан. Таваккал Қодиров эса устозлари бор жойда, ҳар қанча таклиф қилсалар-да, қўшиқ айтмас экан. Бундай мисолларни келтиришдан мақсад шуки, камтаринлиқ уларнинг фазилатига айланган.

Таассуф шундаки, ёш ижрочиларнинг ярашиқсиз шимларда, аёл хонандалар эса ярим яланғоч ҳолатда саҳнага чиқиши одатга айланиб улгурди. Боз устига, бундайларнинг, маънавий ҳаққи бор ёки йўқлигидан қатъи назар юрт ҳақида хониш қилишларига нима дейсиз? Тўғри, Ватанга бўлган муҳаббат кишининг юриштуриши, кийимига қараб белгиланмайди, бундай туйғу ҳар кимнинг юрагида туғён уриши мумкин. Аммо Ватанни мадҳ этувчи қўшиқни бели очиқ, киндик кўринган ҳолатда айтилишини нима дейиш мумкин?

Шу ўринда бир гап. Яқинда таниқли аёл хонандаларимиздан бири FM радиоси орқали Ватан ҳақида янги қўшиқ айтганини билдираркан, шунчалик осмондан келдики, қўяверасиз. Худди унинг бу қўшиғидан олдин санъатимиз ғариб эди-ю, айнан шу хониш бизни дунёга танитадигандек. Суҳбатдан сўнг унинг қўшиғи янгради. Қанақа экан дейсизми? Бу ҳақда фақат ўз фикримни айтсам яхши бўлмас, дея беш-олти нафар ашулани теран тушунадиганлар билан бир бўлиб қўшиқни тингладик ва SMS орқали бўлмаса ҳам, кўнгилдан овоз бердик: ҳаминқадар. Ахир, унда мутлақо СЎЗни ҳис қилиш йўқ. Афсуски, бундай сохта қўшиқлар кўпайишининг сабаби ҳам сўзга бўлган муносабатнинг масъулиятсизлигидандир. Зеро, бугун айримлар кимгадир яхши кўриниш учун, яна биров ҳамма шундай йўналишда куйлаётгани учун, яна бошқа бири мавриди келгани учун, яна кимдир эса "ҳисобот" учун юрт ҳақида ўзича куйламоқда. Натижада эса кўп ҳолларда бачкана ижролар болалаётир.

Ватан ҳақида қўшиқ айтишдан олдин уни юракдан ҳис қилиш лозим.

Комилжон Отаниёзов айтган мана бу хониш эсингиздами?

...Ўзга юртнинг
боғи билан боғчаси,
Ўз юртингнинг
янтоғича кўринмас.

Ёки Маъмуржон Узоқов ижросидаги ушбу қўшиқни унутиб бўладими?

Адашган кимсадек Фурқат,
қаён боргум билолмасман...

Бу дилкаш хонишларни ҳар гал тинглаганда, юрт қадри ҳар недан улуғ эканлигига иқрор бўласан, киши. Худди шунингдек, яна бир қўшиқдаги мана бу мисраларни ҳам "Ватанни мадҳ этувчи хониш қандай бўлиши керак?" деган саволга айни муносиб жавоб дейиш мумкин:

Ҳар бир тепалик ҳам
тоғ деб аталмас,
Ватан деган ҳар кас
ватанпарвармас,
Кимдир ёниб ўтар,
ким тутаб қўймас,
Кимнингдир қалбида
тангриси бўлмас,
Сохталар ичиндан
қочгил, қоракўз.

Бу мисралардаги сохталар ичиндан қочгил қоракўз, деган гап эса сизу бизга, миллатимизга, маънавиятимизга, урф-одатларимизга таҳдид солишга *уринаётган онги пуч, виждони кемтик, иймони сут, дили пажмурдалардан эҳтиёт бўлишимизга ундаётир.

Халқимизда санъаткор халқига эътиқод қўйганлар кўп. Демак, ҳақиқий қўшиқлар яратиб, тингловчи қалбига йўл топа олиш ҳам ана шу ишончни оқлашга кирмайдими?

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

МАҚСУД.

Янги ҳаёт бўсағасида.

БОҚИЙ САТРЛАР

Алишер НАВОИЙ

Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.

* * *

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

* * *

Агар шогирд шайхулислом, агар қозидур,
Агар устоз андин рози, Тангри розидур.

То ҳирсу ҳавас хирмони барбод ўлмас,
Эл шод ўлмас, мамлакат обод ўлмас.

* * *

Кўп олтин-кумуш сори қўл сунмағил,
Ки тутсанг, қўлингни қаро ранг этар.

* * *

Оз-оз ўрганиб доно бўлур,
Қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур.

GURUNG

Ўзбек ва қозоқ халқлари азал-азалдан дўст-биродар, аҳилликда яшаб келишган. Хусусан, адабий жараёнда ҳам қозоқлар билан алоқаларимиз азалийдир. Қозоқ халқининг улуғ файласуфи, оқин Абайнинг "Насиҳатнома" (Носир Фозилов таржимаси) китобидан бир парчани эътиборингизга ҳавола қилаяпмизки, бу битиклар ҳар биримиз учун кераклигини унутмаслигимиз лозим.

Буюк оқин пандномаси

Фаросатли одам кулги деган нарсанинг мастлик эканини, ҳар қандай маст киши ғофил бўлишини ва бошоғриқ гапларни кўп гапиришини яхши билади. Зотан, бекордан-бекорга кулаверадиган кишининг ё ақли жойида бўлмайди, ё эса куламан деб ишидан, рўзғоридан, номусидан айрилганини ўзи ҳам билмай қолади. Бундай кишилар бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам охир бир азоб чекиши бор.

Қайғу-ҳасрат нималиғини биладиган, фикр қила оладиган киши бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам ортиқ қийналмайди — иши пишиқ бўлади. Одатда, пишиқликнинг таги — мўлчилик. Хўш, энди, агар шундай бўлса, биз доимо қайғу-ҳасратга ёр бўлиб юра оламизми? Доимо қайғу-ҳасратга ёр бўлиб юришга жонимиз тўзим бера оларми экан? Ёки, дейлик, биз муттасил кулмай юра оламизми? Инсон бир умр кулмай юришга чидай олармикан? Йўқ, доимо қайғу-ҳасрат чекмаслик ҳам мумкин эмас. Демак, кўпроқ ана шу қайғу-ҳасратдан қутулиш учун ҳаракат қилиш керак. Ҳаракат қилганда ҳам билиб ҳаракат қилиш керак. Чунки ҳар қандай ўринли ҳаракат қайғу-ҳасратни камайтиради. Шундай қилиб, қайғуни ўринсиз кулги билан эмас, ўринли ҳаракат билан камайтириш зарур!

Қайғу-ҳасрат уйига кириб қолиб, ундан чиқолмай юришнинг ўзи ҳам бир ҳалокатдир. Сен бировнинг ёмон қилиғидан кулсанг, роҳатланиб кулма, ачиниб, изза бўлиб кул. Зотан, ачиниб, изза бўлиб кулишнинг ўзи — қайғу-ҳасратдир. Демак, бундай ўринда ўзинг ҳар доимо кулавермайсан, албатта. Борди-ю, яхши одамнинг яхши қилиғидан кулсанг, унинг шу яхши қилиқни яхшиликдангина топганини ўзингга ибрат қилиб кул. Яхши-ёмонни кўриб ибрат олмоқ ҳаётда сени йўлдан озишдан эҳтиёт қилади. Мен ҳамма кулгилар тўғрисида гапириб ўтирмайман. Аммо, шу кулгиларнинг ичида бир кулги борки, бундан худонинг ўзи асрасин! Бу кулги худонинг ўзи яратган жойдан — юракдан чиқмай, балки аксинча, мутлақо сохта бўлиб хўжакўрсин бир кулги бўлади.

Одам боласи туғилишда йиғлаб туғилади-ю, ўлаётганида норози бўлиб ўлади. Шу икки ўртада дунёнинг у-бу роҳатларини татиб кўролмай, бирининг кетига бири тушиб, бирига бири мақтаниб, не-не умрини қаёқдаги бўлмағур ишларга сарф қилиб, маъносиз ўтказади-да, ўлим олдида адо бўлган олтин умрининг ҳатто бир кунини ҳам бутун бисотини, мол-дунёсини сотиб қайтариб олишнинг иложини топа олмай қолади.

Қувлик ва шумлик билан кун кўриш, кўз сузиб тиланчилик қилиш — ҳунарсиз итнинг ишидир. Сен агар одам бўлишни истасанг, аввало, ғайратингга таяниб меҳнат қил, меҳнат қилсанг, қора ер ҳам сендан ўз ноз-неъматини аямайди ва шунда ҳеч қачон хор-зор бўлмайсан.

Биласизми?

— Сайёрамиздаги энг қадимий ҳайвонот боғи бундан 2100 йил олдин Рим императори Август буйруғи билан ташкил этилган. Унда дунё бўйича келтирилган 3500 жонивор бор эди.

— Швейцариялик олимлар тахминича, инсоният тарихида юз берган катта-кичик урушларда 5 миллиард одам ҳалок бўлган. XX аср урушида 70 миллион одам нобуд бўлган. Шу давргача сайёрамиз пайдо бўлганидан буён 15 миллиард одам яшаб ўтган деган фараз бор.

— Америкалик руҳшунос Бердиул ўз тадқиқотларига асосланиб, шуни айтганки, эр-хотин бир кеча-кундузда 27 дақиқадан ортиқ гаплашмаслиги керак экан. Ана шундагина бундай оилалар барқарор бўлар экан.

— Хитой деворининг узунлиги 5000 километр, эни 8 метр. Ушбу деворнинг қурилиши бошланганига 3000 йил бўлган.

Ватан деган сўз

Ватан сўзи нақадар буюк!
Аввал уни англамоқ керак.
Тупроғини тиллодай суюб,
Тасаввурни рангламоқ керак.

Не бир зотлар қўлида қурол,
Шу ер учун курашди ҳалол.
Шаҳид жонлар ҳаққи бемалол —
Қароғларни намламоқ керак.

Ушалгайдир бир куни орзу,
Шояд уруш — алмисоқ мавзу.
Бўйни узун тўпларнинг оғзи —
Музейларда зангламоқ керак.

Ҳозир қўлга қаламни олдим,
Шеърни бошлаб, ўйланиб қолдим...
Ватан ҳақда сўйлашдан олдин —
Ҳар бир сўзни англамоқ керак.

Яшамоқдан недир муддао?
Унутиб ҳам қўямиз гоҳо.
Ёзганингга энг холис баҳо —
Халқ тилида янграмоқ керак!

Ориф ТЎХТАШ

ДЎСТИМ ДЕСАМ...

Ҳажвия

Абдувалининг ғалати бир одати бор — тўйга, зиёфатларга сира ёлғиз бормайди. Албатта ҳадди сиғадиган биронта улфатини бошлаб боради. Бу гал Солижонга илтимос қилди:

— Қани дўстим, ишни қўйиб туринг. Ғиз этиб Қумқишлоққа тўйга бориб келамиз.

— Раҳмат, оғайни, ўзингиз бемалол бориб келаверинг.

— Хўп денг энди. Бирга бориб келайлик.

— Қизиқ экансиз, ахир айтилмаган жойга нима қиламан бориб?

— Нима-нима? Ким айтилмаган? Сизми? Бекорларни айтибсиз. Тўй эгаси мана шахсан менга қаттиқ тайинлаган!

«Мабодо Солижон тўйга келмай қолса, калланг билан жавоб берасан!» деган. Агар каллам керак бўлса — мана...

Абдували хумдай калласини пастга эгиб, худди сузишга чоғлангандай бир зум туриб қолди.

— Каллангиз ўзингизга буюрсин.

— Бўлмаса туринг энди, жўнайлик.

— Ишим бошимдан ошиб ётибди.

— Бу дунёнинг иши тугармиди, дўстим. Шоири замон ҳам «Ҳеч қачон битган эмас» деб ёзган. Бўлақолинг энди, тўйда бир мазза қилиб, сиқилган кўнгил чигалини ёзайлик.

Хуллас, Абдували Солижонни қўярда-қўймай тўйга олиб кетди. Зиёфатда ҳам иккиси ёнма-ён ўтиришди.

Дастурхонда қушнинг сутидан бўлак ҳамма нарса муҳайё. Жажжи қадаҳларга гоҳ оқидан, гоҳ қизилидан пешма-пеш қуйилмоқда. Нима кўп — ичишга баҳона-сабаб кўп. Гоҳ келиннинг, гоҳ куёвнинг, гоҳ қиз боққанининг саломатлигига тинимсиз олиб туришди.

Нафси бузуқ ҳайитда ўлади, деган гап бежиз айтилмаган. Оч қорнига кўпроқ олиб қўйган мижози нозиклар бемаврид тайёр бўлиб қолишди. Аммо Абдувалига ҳали жинам ургани йўқ. Ҳалибери урадиган ҳам эмас. Солижон бўлса асли кам ичарди. Ҳозир ҳам хўжакўрсинга чўқиштириб ўтирди. Шеригиям ортиқча қистамайди.

— Бу савилнинг каттароғидан йўқмикин? — деди Абдували бармоқдек жажжи қадаҳни қўлига олиб. — Худди туяни қошиқ билан суғоргандек-а?

— Шунисиям тузук, ҳали қайтишниям ўйлаш керак, — деди Солижон шеригининг қизара бошлаган кўзларига хавотир билан қараб.

— Мана сиз бор — бизда нима ғам бор!? — Абдували Солижоннинг елкасига бор кучи билан шап этиб урди. Бехос зарбдан Солижон тилини тишлаб қолди. — Олиб келиш — биздан, олиб кетиш — сиздан! Нима дедингиз?

Боёқиш Солижон нима ҳам дерди. Аравасига тушгач, энди охиригача чидашга мажбур.

Абдували қадаҳни катта пиёлага алмаштириб олди. Ёнидагиларнинг кўзини шамғалат қилиб, ичилмай қолган қадаҳларни бирин-кетин пиёлага ағдариб, гўё чой симиргандай бир сипқориб пиёлани бўшатар, сўнг ҳеч нима бўлмагандек яна тамшаниб ўтираверар эди.

Қайтишда Абдували бутунлай ҳамроҳига ўлигини ташлаб олди. Солижон Абдували балчиқ кечса қўшилиб балчиқ кечди, тупроққа юмаласа — бирга юмалади. Шунга мажбур эди. Ҳар иккисининг кийим-боши расво бўлди.

Қоқ ярим тунда Абдувалининг уйига аранг етиб келишди. Ҳали остонага қадам қўйилмасдан ҳовлини бошига кўтариб ҳуриб чиққан ит улфатларнинг турқи-тароватини кўриб, қўрққанидан индамай пусиб қолди. Ичқаридан югуриб чиққан Абдувалининг хотини жазавага тушиб бақирди:

— Вой шўрим! Вой шарманда! Бу нимаси? А? Бу нимаси?

Абдували хотинининг кўлидаги ўқловни кўриб, (мазасини кўп тортганда!) кайфи тарқаб кетаёзди. Қўрғошиндай зилзамбил, хум калласи ҳам бирдан ишлаб кетди.

— Х-хотин, совуқ куролингни ишлатишдан олдин гапни эшит! М-мен айбдор эмасман!

— Хўш, ким айбдор? Қайси яшшамагур йўлдан урди?

Абдували Солижонга қўлини бигиз қилиб кўрсатди.

— Хиққ, м-мана шу... хиққ, хумпар... бормайлик десам ҳам қўймай, судраб олиб бориб, зўрлаб ичирди, хиққ, зўрлаб... хиққ, ррасво қилди, — Абдували қўрқиб-қалтираб чўнтагининг астарини ағдариб кўрсатди. — Вой ярамасей, пулниям шилиб қўйибди. Инсофсиз! Бир ойлик маошим қулоғини ушлаб кетди. Ҳаммасига мана шу одам... хиққ, айбдор. Мен уни дўстим десам... Хиққ. Энди сен билан тўйга бормайман. Ўлсам ҳам бор-рмайман!..

Ҳанг-манг бўлиб қолган Солижон секин қўлини кўтариб, қулоғининг юмшоқ жойини чимчилаб кўрди. Йўқ, буларнинг бари тушида эмас, ҳушида бўлаётган эди...

Шодмон ОТАБЕК.

Саҳифани М. ЖОНИХОНОВ тайёрлади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1457. 20731 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Эшматов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — М. Ёқубова.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 21.20 23456